

**№1.** Электр токи бўлган иккита бир хил ғалтак берилган. Биринчи ғалтакдаги ток кучи иккинчисидадигидан икки марта ортиқ. Қуйдаги фикрларнинг қайси бири тўғри?

- а) Ғалтаклар атрофида электр майдони бор.
- б) Токли ғалтаклар атрофида магнит майдони йўқ.
- в) Биринчи ғалтак магнит майдони сустроқ.
- г) Иккинчи ғалтак магнит майдони сустроқ.

**№ 2.** Механик тебранишлар частотасини аниқлаш формуласини кўрсатинг.

- а)  $v=1/T$
- б)  $v=2\pi\sqrt{\ell/g}$
- в)  $v=2\pi\sqrt{m/k}$
- г)  $v=2\pi/T$


**№ 3.** Йиғувчи линзадан предмет тасвири олинмади. Предмет линзадан қанча  $d$  масофада бўлган?

- а)  $d > 2F$
- б)  $F < d < 2F$
- в)  $d = F$
- г)  $d < F$

**№ 4.** Жисм оқ рангдай бўлиб кўринади, чунки

- а) куёш нуруни тўлиқ қайтаради
- б) куёш нуруни тўлиқ ютади
- в) куёш нуруни қисман қайтаради
- г) қизил рангдан ташқари куёш нури спектрининг барча рангларини қайтаради

**№ 5.** Расмда кўрсатилган асбобдаги халқалар алюминийдан ясалган.



Агар асбоб темир бўлганида тажриба қандай кечган бўлар эди?

- а) Халқадаги ток каттароқ кучга эга бўлган бўларди.
- б) Халқадаги ток бошқа йўналишда бўларди.
- в) Ҳар иккала халқада ҳам ток бўларди.
- г) Халқа магнитга тортилган бўларди.

**№ 6.** Косинусоидал гармоник тебранаётган нуқта ҳаракатланиши бошланганидан қанча вақтдан сўнг мувозанат ҳолатидан амплитуда ярмигача силжийди? Тебранишлар даври -24 с, бошланғич фаза нолга тенг.

- а) 24 с
- б) 12 с
- в) 4 с
- г) 2 с

**№ 7.** Линзанинг чизиқли катталаштириш формуласини кўрсатинг.

- а)  $\Gamma = \frac{d}{F}$
- б)  $\Gamma = \frac{f}{d}$
- в)  $\Gamma = \frac{F}{d}$
- г)  $\Gamma = \frac{d}{f}$

**№ 8.** Қуйдаги фикрларнинг қайси бири йиғувчи линзага тааллуқли?

- 1) линза тарқалувчи ва параллел ёруғлик нурларини кесишувчи нурларга айлантиради
  - 2) линза кесишувчи ва параллел нур тарамларини тарқалувчи нурларга айлантиради
  - 3) атроф муҳитга нисбатан оптик жиҳатдан янада зичроқ материалдан тайёрланган ва ўртасига келиб йўғонлашувчи линза
  - 4)  $n < 1$  нисбий синиш кўрсаткичли материалдан тайёрланган ва ўртасига келиб йўғонлашувчи линза
  - 5) ўртасига келиб ингичкалашувчи линза  $n > 1$  нисбий синиш кўрсаткичли материалдан тайёрланган.
- а) 1, 2, 3, 4, 5
  - б) 1, 3
  - в) 2, 4, 5
  - г) 4, 5

**№ 9.** Исталган вақтда мувозанат ҳолатидан бир хил силжишга эга бўлган энг яқин нуқталар орасидаги масофани аниқланг. Тўлқинлар тарқалиши тезлиги 330 м/с, тебранишлар частотаси 660 Гц.

- а) 3 м
- б) 2,5 м
- в) 2 м
- г) 0,5 м

**№ 10.** Предмет йиғувчи линзага ўзининг ҳақиқий, икки марта ортирилган тасвирига қараганда 0,5 м яқин жойлашган. Шу линзанинг оптик кучини топинг.

- а) 1 дптр
- б) 1,5 дптр
- в) 2 дптр
- г) 3 дптр

#### Баллни баҳога айлантириш шкаласи

Ҳар бир топшириқ 1 балл билан баҳоланади. Жами топшириқларнинг миқдори – 10

баллари	баҳо
0-3	«2»
4-5	«3»
6-7	«4»
8-10	«5»